Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҳақиқати

1990 ЙИЛ 27 МАРТ, СЕШАНБА
№ 71 (4.865).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

# Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда депутат М. С. Салоҳиддинов раислик қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг депутатлар таклиф этган тузатишлар ва қўшимчалар ҳисобга олиниб тасдиқланган муваққат иш тартибини муҳокама қилдилар.

Депутат М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг аввалги мажлисида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан депутатлар айтган таклифлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида бу лавозимга икки номзод: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари М. И. Иброҳимов ва П. М. Абдураҳмонов номзодлари қўйилди. П. М. Абдураҳмонов ўз номзодини қайтариб олди, депутатлар унинг бу илтимосини қондирдилар.

Яширин овоз бериш натижасида Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Раиси этиб сайланди.

Шундан кейин сессия мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутат Б. И. Бугров очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди, уларнинг раҳбарларини тасдиқлади.

Кечқурунги мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки муқобил номзодни — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган М. М. Мирқосимов ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ш. Р. Мирсаидов номзодини муҳокамага тақдим этди. Пухта муҳокамадан сўнг яширин овоз бериш бюллетенларида иккала номзодни қолдиришга қарор қилинди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб сайланди.

27 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

## Мажлислар кундалиги

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг дастлабки иш кунида республика Олий Совети Президиуми Раиси депутат М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақидаги доклади фаол ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинди.

— Ҳозир Ўзбекистонда 20 миллионга яқин киши яшайди, уларнинг муаммолари кўп, — деди ўз нутқида депутат **С. Д. Ниеутуллаев.**—Уларни ҳал қилиш учун бизга кучли президент ҳокимияти керак. Ҳамма нарсага биз ўзимиз ишониб кўрсатадиган бир киши жавоб бериши ва ҳамма нарса учун биздан сўраши керак.

Биз маслаҳатлашиб ушбу лавозимга ўртоқ И. А. Каримовни кўрсатамиз. Қорақалпоғистонлик барча депутатлар шу таклифни айтишди. Ислом Абдуғаниевич ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, деҳқонларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги масалани рўёбга чиқаришда кўп ижобий ишлар қилди. Деҳқонларга ер берилиши қишлоқ меҳнаткашларига ҳақиқий ғамхўрлик қилинаётганлигининг исботи бўлди. Ҳозирги ҳукумат туфайли Қорақалпоғистонга унинг ижтимоий-иқтисодий эхтиёжлари учун 36 миллион сўм пул ажратилди.

Тўғри, депутатларнинг бир қисми президент ҳокимияти қаттиқ якка ҳокимликка айланиши мумкин деб хавфсирамоқда. Бундай бўлмаслигига бизнинг кучимиз етади. Президент депутатлар билан, сессия билан биргаликда ишлайди, шу сабабли назорат бўлади.

Бугунги кунда барча халқлар ҳақиқий давлатга, ўз тилига эга бўлмоқда. Шу жумладан, қорақалпоқлар сингари кичик миллат вакили бўлган мен ҳам бу ерда, сессияда автоном жумҳуриятимизнинг давлат тилида сўзлаяпман. И. А. Каримов президент лавозимида барча муаммоларимизни ҳал этишга фаол кўмаклашади, деб ўйлайман.

— Мендан олдин сўзга чиққан қорақалпоғистонлик нотиқнинг ўртоқ Каримов президент лавозимини эгаллашга муносиб деган фикрига тўла қўшиламан,— деб таъкидлади сессия минбаридан туриб депутат **М. Эргашева.**—Мен кўп хотин-қизлар, пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар номидан, шунингдек андижонлик барча сайловчилар номидан гапиряпман. Бизнинг кўп муштарак муаммоларимиз бор. Бундан ташқари, Андижоннинг ўзига хос муаммолари бор. Масалан, бизда ишсизлар кўп. Ўртоқ Каримов номзодини қўллаб-қувватлар эканмиз, бўлажак президентимиздан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги ишларини фаол давом эттиришини сўраймиз.

**(Давоми иккинчи бетда)**



Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг мажлислар залида.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси этиб сайлансин.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Иванович Бугров Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси** **М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Шукрулла Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси** **М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Эдуард Амвросиевич **Шеварднадзе** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Ю. Д. МАСЛЮКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Юрий Дмитриевич **Маслюков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ В. А. КРЮЧКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Владимир Александрович **Крючков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Д. Т. ЯЗОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Дмитрий Тимофеевич **Язов** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Чингиз **Айтматов** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ С. С. ШАТАЛИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Станислав Сергеевич **Шаталин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ В. Г. РАСПУТИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Валентин Григорьевич **Распутин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

### Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ А. Н. ЯКОВЛЕВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Александр Николаевич **Яковлев** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти** **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ В. А. ЯРИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Вениамин Александрович **Ярин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ А. Э. КАУЛСНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Альберт Эрнстович **Каулс** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Ю. А. ОСИПЬЯННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Юрий Андреевич **Осипьян** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Е. М. ПРИМАКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Евгений Максимович **Примаков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ В. И. БОЛДИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Валерий Иванович **Болдин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ В. В. БАКАТИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Вадим Викторович **Бакатин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Г. И. РЕВЕНКОНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўрток Григорий Иванович **Ревенко** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

## ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

# МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

— Конституциямиз 6, 7-моддаларига тузатишларни қабул қилар ва партия аппарати ҳукмронлигини тугатиш тўғрисида гапирар эканман, — деб таъкидлади сессияда сўзга чиққан депутат **В. Г. Грабилин**, — қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимият ўртасида бўшлик пайдо бўлмасмикин деб ўйлаб қоламан. Парламентимиз ҳали жуда ёш. У ижроия ҳокимиятнинг кучли тузилмасига муҳтож. Президентлик ушбу муаммоларни ҳал этади, республикада миллатлараро муносабатларнинг барқарорлашишига, одамларда ўзларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилганликларига ишонч ҳосил қилишда кўмаклашади, деб ўйлайман.

Барча жумҳуриятлар мустақилликни орзу қилишмоқда, лекин унинг бирдан-бир аниқ йўли президент ҳокимияти орқали ўтади. Мен Сурхондарё вилояти депутатларининг топшириғига кўра ўрток Каримов номзодини қўллаб-қувватлайман. У одамларнинг кундалик эҳтиёжларини яхши билади, ўз фаолиятида ана шу эҳтиёжларни биринчи даражали қилиб қўяди. Жумҳуриятимизда ерлар ажратиб берилиши тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши, камбағалларга ёрдам кўрсатилиши, бошқа ижтимоий муаммолар ҳал этилаётганлиги бундан далолат бериб турибди. Айни вақтда президентнинг бўлажак қасамёди матнига тузатиш киритишни хоҳлайман. Президент республика халқига садоқат билан хизмат қилади, деб ёзилган. Бунинг ўрнига «...Ўзбекистон халқларига» деб ёзилиши керак.

Депутат **Б. Сериков** сўзга чиқади:

— Давлатимиз ҳуқуқий давлат бўлишга интилмоқда. Ер тўғрисида, Мулк тўғрисида бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди. Федерация тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилмоқда. Лекин биз уларни амалга оширишга тайёрмизми? Бунинг учун кучли президент ҳокимияти керак. Республикамиз кўп миллатли, унда аҳоли жуда зич яшайди. Ҳар бир миллий гуруҳнинг ўз муаммолари бор. Умумий муаммоларимиз ундан ҳам кўп— сув билан таъминлаш, камбағалликни тугатиш, ердан фойдаланиш муаммолари шулар жумласига киради. Аҳолининг 65 фоизи ана шу масалалар ўткир бўлиб турган, лекин ҳал этилмаётган қишлоқларда яшайди. Ана шу масалалар ҳал этилиши учун бизга президент керак. Сайловчилар номидан бу лавозимга И. А. Каримовни таклиф этаман. У жумҳуриятимизнинг жами эҳтиёжларини билади, партия ва хўжалик идораларида ишлаган. Жумҳуриятимизга раҳбарликни яхшилаш учун у ҳозирдаёқ анча ишларни қилиб қўйди. Жиззах вилояти депутатлари номидан сессия И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашини сўрайман.

— Жумҳуриятимизда президент бўлишини жуда хоҳлайман,—деб давом эттирди муҳокамани депутат **О. Маҳмудов**.— Тўғри, бу лавозимга кўп номзодларни кўрсатиш асосида сайлаш керак, лекин мен бугун И. А. Каримовдан бошқа номзодни кўрмаяпман. У ўзбек халқи орасида мустаҳкам обрў қозонди, у жумҳуриятимизда ҳамма тан олган раҳбар. Мен яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман: янги ҳокимиятнинг ҳуқуқларини жуда чегаралаб қўймаяпмизми? Бу масалага тўғри ва ўйлаб ёндашишимиз керак. Мудофаа соҳаси Иттифоқимиз қарамоғида қолаверсин. Лекин Давлат хавфсизлиги комитети, Ички ишлар министрлиги жумҳурият президентига бўйсундирилиши лозим. Акс ҳолда жиддий ҳатолар бўлиши мумкин. Ҳуқуқ комиссияси шу маънода қаттиқ ишлаши керак. Бизда ҳал этилмаган муаммолар шу даражада кўп тўпланиб қолдики, уларни президент ҳокимиятисиз ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблайман.

— СССР халқ депутатлари учинчи Съезди тарихий қарор — президентлик тўғрисидаги қонунни қабул қилди, — деб таъкидлади ўз нутқида депутат **Ҳ. Ҳ. Нишонов**. — Бугун биз республикамизда ана шундай лавозимни жорий этмоқдамиз. Умид қиламанки, бу иқтисодий қолоқликни бартараф этишга, кўплаб ўткир муаммолардан демократик йўллар билан чиқишга ёрдам беради. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзоди — энг реал, тўғри келадиган номзод деб ҳисоблайман. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўла туриб, одамлар фаровонлигини яхшилаш учун бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Унинг куч-ғайратлари эвазига бугунги кунда етилган учта муҳим муаммо республикада мақсадга мувофиқ ҳал этилмоқда: булар ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, Озиқ-овқат программаси, Уй-жой программаси муаммоларидир. Президент лавозимининг жорий этилиши билан республикада барча муаммолар муваффақиятлироқ ҳал этилишига шубҳа йўқ. Президент ваколати қолган барча ваколатлардан анча юқоридир.

Минбарга депутат **П. Қ. Қодиров** чиқади:

— Ижодкор зиёлилар номидан шуни айтишим керакки, биз 20 миллион халқ тушган бир кемадамиз. Шунинг учун ҳам бу халқни, унинг уй-ташвишлари ва муаммоларини биладиган киши керак. Ёнимизда яна 14 та ана шундай кема бор: республикамиз кемаси шулар билан ёнма-ён сузиб бориши керак. Буни таъминлаш ҳам президент вазифасига киради. Бизнинг республикамиз ажойиб, ўлкамиз олтинга ўхшайди. Бой имкониятлар, меҳнатсевар халқ бор-у, қашшоқликдан чиқа олмаяпмиз. Гап одамларда эмас, балки одамлар ҳақида чинакамига қайғурадиган раҳбарлардадир. Бизда анчадан буён бундай раҳбарлар бўлмаган, эҳтимол Ф. Хўжаев, А. Икромовлар даврида бўлгандир, лекин улар нобуд бўлишди. Биз ажойиб кунларга етиб келдик: халқ ўз сафларидан чинакам раҳбарларни сайламоқда. Натижа эса бундай бўлди — охирги йилнинг ўзидагина шаҳар ва қишлоқларда кўпгина яхши ўзгаришлар рўй берди. Маънавий турмушда ҳам яхши ўзгаришлар бор. А. Қодирий, Чўлпон номлари тикланди. Тарихий имкониятдан фойдаланиш керак. Ўз кадрларимизни тарбиялайлик. Сизларни И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Депутат **Г. Ҳ. Сидаковнинг** нутқи муҳокамага якун ясади:

— Яқинда биз ўрток И. А. Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қилиб сайлаганимизда ҳам мен сўз сўраган ва шундай деган эдим: Ислом Абдуғаниевич, агар сиз иккита масала одилона ҳал этилиши учун —жумҳуриятимизда байналмилал дўстликни мустаҳкамлаш учун ва республика партия ташкилотимизнинг шарафини тиклаш учун жавоб берсангиз, мен охиригача ҳар қандай маррада сиз билан ёнма-ён туришга тайёрман. Бугун ҳам ана шундай дейман. Бироқ, нутқларда бирмунча бошқача фикрлар борлиги: ўрток Каримовни анча-мунча мақтаётганликлари бизни хавотирлантирмоқда. Бундай қилиш ярамайди. Бир йиллик иш давомида биз ўрток Каримовнинг кўпгина яхши фазилатларини кўрдик, аммо баландпарвоз сўзлар ортиқчадир. Айни пайтда мен сизларни сайлов чоғида ўрток Каримов учун овоз беришга даъват этаман. Чунки ўз сайловчиларим сингари мен ҳам у кишига ишонаман.

Аслида ўрток Тўлагановани нг барча материалларни иложи борича биз депутатларга олдиндан юбориш тўғрисидаги фикрига қўшиламан. Бироқ биз бу ерда ўртага қўяётган ҳар қандай масалани ўз округларимизда муҳокамага қўйишимиз, ҳамма нарсани ўз сайловчиларимиз билан келишиб олишимиз, кейин яна мажлисга тўпланишимиз тўғрисидаги фикрга қўшила олмайман... Биз сайловчилар орасида яшаймиз, ҳар куни улар билан мулоқотда бўлишимиз, уларнинг орзу-ўйлари, эҳтиёжларини билишимиз ва бу ерда масалаларни уларнинг номидан ҳал этишимиз, улар бизга ўз номларидан гапириш ва масалаларни ҳал этишни ишониб топширганликларини қатъият билан ва рўй-рост айтишимиз керак. Акс ҳолда биз қандай қилиб халқимизнинг ишонч билдирган вакиллари бўлишимиз мумкин?

Биз одамларимизнинг эҳтиёжларини, ҳар бир кишининг ўз таклифи борлигини биламиз. Бугун, ушбу сессияда биз ҳал этишга ҳали тайёр бўлмаган барча масалаларни ўртага қўймаслигимиз лозим. Режалаштирилган масалаларни ҳеч кечиктирмай, албатта ҳал этишимиз керак. Мен ўзимнинг сайловчилар олдидаги бурчимни ана шундан иборат деб биламан.

Шундан кейин депутатлар мазкур масалани муҳокама қилишни тўхтатдилар. Сессия тасдиқланган кун тартибига мувофиқ ўз ишини давом эттирди.

**(ЎзТАГ).**



СУРАТДА: қашқадарёлик депутатлардан бир гуруҳи. В. МОЛГАЧЕВ сурати.

# БИЗНИНГ СУҲБАТ

**● Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси давом этмоқда. Сессиянинг биринчи кунида Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди. Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президентини сайладилар. Қуйида республика халқ депутатларининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

## ҲАЁТ ТАЛАБИ

Республика Олий Совети сессияси қарори билан ўлкамиз ҳаётида биринчи бор Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилганлиги ва республика Президенти сайланганлиги мени беҳад қувонтирди. Чунки қайта қуриш жараёни, унинг барча мураккабликлари ва қийинчиликлари, муаммолари шуни тақозо этяпти.

Туб иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни амалга ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун янада самаралироқ бошқарув воситаси кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шунинг учун республикамизда президентлик лавозими таъсис этилганлиги ва у сайланганлиги қайта қуриш сиёсатига мос, деб ҳисоблайман. Бу республикамиз келажаги учун, тўпланиб қолган муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлишига аминман. Сессиянинг бориши ҳам менга маъқул бўлмоқда. Одамлар ҳар қачонгидан ҳам дадил, ўз фикр-мулоҳазаларини чўчимасдан рўй-рост баён қилмоқдалар. Барча масалаларга жиддий ёндошиляпти. Бу эса мазкур сессия ҳаётимизда катта ўзгаришлар ясайдиган бурилиш нуқталаридан бири бўлади деган умид уйғотади.

**Р. НАСИМОВ,**
**І-Самарқанд «Облагрострой» тресті бошқарувчиси.**

## ХАЛҚ ИРОДАСИ

Бутун мамлакатимиз, шу жумладан, жумҳуриятимиз мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ана шундай бир шароитда республикамизда президентлик лавозими таъсис этилиши, яъни ягона раҳбарлик лавозими вужудга келиши бугунги кун талабларига мос тушади. Президент Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, ўз зиммасидаги юксак вазифаларни виждонан бажаришга ваъда берди.

Сессияда Президент якка ҳоким бўлиб қолмаслиги керак деган фикр ва мулоҳазалар ҳам бўлди.

Мен қурувчилар бригадириман. Республикамиз меҳнаткашлари ҳаётини яхшилаш масаласи кун тартибида турибди. Кўпгина соҳалар мутахассислари иш ҳақини ошириш, уларнинг маиший шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти. Лекин қурувчилар иш ҳақини ошириш ҳақида ҳали гап ҳам бўлгани йўқ. Мен шу масалани сессияда кўтармоқчиман.

Миллатим уйғур, жумҳуриятимизда 15 мингга яқин ана шу миллат вакиллари яшайди. Бироқ айримларининг маданий марказлари ташкил этилмаган. Бундан ташқари 159-Қўқон қишлоқ сайлов округи территориясида 51 минг аҳоли яшайди. Бу ерда кўпгина ишсизлар бор. Уларни иш билан таъминлаш учун қатор саноат корхоналари филиалларини ташкил этиш республика Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида айтилган. Лекин ҳали бу соҳада амалий ишга ўтилгани йўқ. Районимизга саксонинчи йилда газ борган бўлса-да, аҳолининг бор-йўғи икки фоизигина табиий газга эга. Колхозларга эса умуман газ боргани йўқ. Бу муаммоларни зудлик билан ҳал этиш даркор.

**Э. ТЎЛАШОВ,**
**Пахтаобод районидаги 114-механизациялашган кўчма колонна ишчиси.**

## ТЎРАЧИЛИККА ҚАРШИ

Республикамизда турли миллат ва халқлар вакиллари яшайди. Бу эса улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстона алоқаларни сақлаб қолиш ва турли халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни тақозо этади. Кўпгина муаммолар у идора билан бу идора ўртасида ҳал бўлмасдан қоляпти. Оддий Фарғона воқеасини олайлик. Шуни жойида ҳал қилса бўларди. Лекин бу масъулиятни бўйнига оладиган одам топилмади. Натижада Қувасойда бошланган кўнгилсизликлар бошқа районларда ҳам рўй берди. Республикада тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни таъминлаш учун ҳам президентлик лавозимини таъсис этиш зарур эди.

Ҳозирги Президентимиз ҳам Йўлдош ота Охунбобоев йўлидан бориб, халқ ичида, оддий одамлар орасида кўпроқ бўлишини орзу қиламан.

Ҳамон планлаштиришда буйруқбозлик ҳоллари бор. Бунга чек қўйиш керак. Халқ фикрига таяниш даркор. Ҳар бир хўжалик ўз шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, планни ўзи белгиласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қишлоқ жойларда лойиҳалаш институтларининг ҳам филиалларини очишни таклиф қилар эдим. Чунки, бу нарса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалаларни ҳал этишга имкон берган бўлур эди.

**Э. МАДУМАРОВ,**
**Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз правлениеси раиси.**

# РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

22 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов бошқарди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг республикада Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка эришиш концепциясини шакллантириш юзасидан амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Бунга республиканинг ердан фойдаланиш; ишлаб чиқариш қудрати билан яратилган минерал-хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланиш суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлаш; мулкчилик барча шаклларини бир текисда ривожлантириш; план-бозор механизмини жорий этиш; ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини қайта қуриш; нарх белгилаш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш асос қилиб олинди.

Кенг фикрлашув бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар концепция қоидалари экономикада, ижтимоий соҳада вужудга келган реал вазиятни инобатга олиб ишлаб чиқилган ва республика барча аҳолиси манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидладилар. Бунда барча иттифоқдош республикалар билан мамлакат ягона халқ хўжалиги комплекси таркибида, янгиланган федерация шароитида ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар қарор топтирилиши таъминланади. Белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республиканинг иқтисодий ва илмий-ишлаб чиқариш қувватини мустаҳкамлаш, ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш, экология вазиятини соғломлаштириш, халқ фаровонлигини оширишнинг моддий негизини яратиш имконини беради.

Комиссия аъзолари халқ хўжалиги структурасини, бошқарув шакллари ва усулларини тегишли шароит вужудга келишига қараб, босқичма-босқич тубдан қайта тузиш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратдилар.

Хўжалик юритишнинг план-бозор усулига ўтиш чоғида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига моддий ёрдамни кенгайтириш ҳам зарур. Республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш концепциясининг асосий принципларини Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқишга тақдим этиш тавсия қилинди.

«Иш билан таъминлаш» деган давлат республика программаси қандай ишлаб чиқилаётгани ва унинг амалга оширилишига доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан тўла ва самарали таъминланиши республиканинг энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу муаммонинг ҳал этилиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Аҳолини иш билан таъминлашда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган туб чора-тадбирлар зарур.

Партия, совет ва хўжалик органлари аҳолининг иш билан банд бўлишини ҳисобга олиш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, областлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш схемаларини тузиш борасида катта иш олиб бораётганликлари уқтириб ўтилди. Кўп вариантли ёндашувлар негизида республикада иш билан таъминлашни бошқариш дастури ишлаб чиқилди. Шаҳарлар ва районларда тегишли хизматлар ташкил этилмоқда. Халқ депутатлари барча посёлка ва қишлоқ Советлари таркибида инспектор лавозими жорий этилди. Аҳолининг иш билан таъминланишини ҳисобга олиш ва уюштириш унинг асосий вазифасидир. Шунга мувофиқ маҳалла комитетлари ва уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари секретарларининг вазифалари ҳам кенгайтирилди. Март ойининг бошидан ҳамма жойда меҳнатга яроқли, лекин ишламаётган аҳоли бир йўла шахсан ҳисобга олинмоқда.

Программани ишлаб чиқиш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини шахсан ҳисобга олиш чоғида ташкилий нуқсонларга йўл қўйилаётганига, белгиланган муддатлар чўзиб юборилаётганига эътибор қаратилди. Айрим халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари тегишли қарорлар қабул қилишда, аниқ ишларни ташкил этишда кечикиб қолмоқдалар. Тузилган мувофиқлаштириш кенгашлари ижрочилар ўртасида аниқ-пухта ҳамжиҳатликни таъминламаяптилар. Ишга жойлаштириш хизматлари ва инспекторларнинг бўш ўринлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан тўлдирилмоқда.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, Самарқанд область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларининг раҳбар коммунистларига, партия комитетларининг масъул ходимларига иш билан банд бўлмаган аҳолини шахсан ҳисобга олишга, «Иш билан таъминлаш» территориал программасини тузишга доир ташкилий ишлардаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Программаларни ишлаб чиқишга партия фаолларини, меҳнат коллективларини, жамоат ташкилотлари ва ёшлар ташкилотларини кенг жалб этиш таклиф қилинди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари фаол олиб борилсин, меҳнаткашларга партия ва совет органларининг иш билан банд бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1990 йил 27 февралдаги «1991-1995 йилларда Ўзбекистон ССРда бинокорлик материаллари ва уйсозлик ускуналарини ишлаб чиқаришни ривожлантириш программаси тўғрисида»ги 114-қарори қандай амалга оширилаётганлигига доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Узагрострой ва Фарғона область ижроия комитети раҳбар коммунистларининг ҳукумат қарорларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Узагрострой ва Фарғона область ижроия комитети белгиланган топшириқларни амалда рўёбга чиқаришга доир ишларни ҳали яхши йўлга қўймаганликлари тўғрисида танқидий мулоҳазалар билдирилди. Бинокорлик саноати объектлари қуриш учун ер участкаларини ажратиб бериш масалалари сусткашлик билан ҳал этилмоқда, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган заводлар ҳамда цехларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни асбоб-ускуналар билан бутлаш муддатлари чўзиб юборилмоқда. Бинокорлик комплексига қарашли база объектларини барпо этишда сезиларли силжишга эришилгани йўқ.

Комиссия область ижроия комитетларига, министрликларга, идораларга, қурилиш ташкилотларига ижроия комитетларининг мажлисларида, коллегияларда, меҳнат коллективларининг йиғилишларида ҳукумат қарори қандай бажарилаётганини кўриб чиқиш ва уни амалга оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этди.

Муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комиссия ишида республика Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов иштирок этдилар.

# ЛИТВАДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

ВИЛЬНЮС, 25 март. (ТАСС мухбири). Шу якшанба куни Литва пойтахтидаги вазият об-ҳавога монанд осойишта бўлди — об-ҳаво эса унча иссиқ бўлмаса ҳам, айни баҳор кунидек бўлди. Вильнюс аҳолиси шу куни оилалари билан маданият ва истироҳат боғларига чиқдилар, кўргазмаларга бордилар, кўчаларда сайр қилиб юрдилар. Шаҳар аҳли дам олди.

ТАСС мухбири **Қазис Усцила** Литва ички ишлар министрининг ўринбосари Вацловас Забараускасга учраб, республикадаги аҳвол ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Якшанба куни пойтахтда ҳам, бутун республикада ҳам осойишталик ва тинчлик ҳукм сурганини ишонч билан айта оламан, — деди у. — Ҳаммаси аввалги кунларга ўхшаш бўлди. Баъзи бир хил жиноятлар қайд этилди. Йўлдаги транспорт ҳодисалари ва бошқа ҳодисалар рўй берди. Бироқ, умуман вазият барқарор бўлди, у бир ёки икки ой аввалгига нисбатан асло ёмонлашгани йўқ. Министр ўринбосарининг фикрича баъзи оммавий ахборот воситалари республикадаги вазиятни тарафкашлик билан бир ёқлама ёритмоқдалар, баъзи фактларни умуман вазиятнинг ифодаси қилиб кўрсатмоқдалар. Бундан бошқа хабарни ўқимайдиган газетхонлар ва тингловчилар, деди В. Забараускас, мана шундай материаллар асосида энди Литвада оз бўлмаса қиёмат-қойим бўлибдида, деб ўйлашлари мумкин. Бу эса вужудга келган мураккаб вазиятни бартараф этиш ишига сира хизмат қилмайди.

